



НЕМИС АДИБИ М.ПРАВДИН ИЖОДИДА БОБУР МИРЗО ТАЛҚИНИ.

PhD.ATursunov Akmaljon Hamidjonovich. NamDU

Аннотация: Мазкур мақолада немис адиби М.Правдиннинг “Йўқдан бор бўлган салтана; буюк мўғуллар” асарида Бобур Мирзо ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Ҳиндистон, тарих, бобурийлар, бобуришунослик, мўғуллар, саркарда, шоир, тахт вориси.

**BOBUR MIRZO'S INTERPRETATION IN THE WORK OF GERMAN WRITER
M.PRAVDIN.**

PhD.ATursunov Akmaljon Hamidjonovich. NamDU

Annotation: In this article, the German writer M. Pravdin's “The kingdom that came from nothing; The Great Mongols” discusses the socio-political activities of Babur Mirzo.

Keywords: India, history, Baburis, Baburism, Mongols, commander, poet, heir to the throne.

**ТОЛКОВАНИЕ БОБУРА МИРЗО В РАБОТЕ НЕМЕЦКОГО ПИСАТЕЛЯ
М.ПРАВДИНА.**

PhD.Турсунов Акмалжон Хамиджонович. НамГУ

Аннотация: В этой статье немецкого писателя М. Правдина «Царство возникшее из ничего; Великие монголы» посвящена общественно-политической деятельности Бабура Мирзо.

Ключевые слова: Индия, история, бабурис, бабуризм, монголы, полководец, поэт, наследник престола.

Немис адабиётида Бобур Мирзо ва унинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида кўплаб асарлар яратилди ва яратилмоқда. Яратилган асарларнинг аксарияти монографик тартибда ёзилган бўлиб унда асосан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистонда амалга оширган ишлари ва Бобурийлар салтанати ҳақида фикр юритилган. Немис бадий адабиётида Бобур Мирзо бадий тасвири фақатгина Ф.Вёртле ижодида кўзга ташланади, Ф.Вёртленнинг “Babur, der Tiger” номли саргузашт романида Бобурнинг ёшлиги бадий тасвир воситалари орқали акс эттирилганлигини кўриш мумкин.[1.]

Бобур ва Бобурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш нафақат юртимиз олимлари ва ёзувчиларини, балки хорижий олимларни, жумладан Фарбий Европа олимларини ҳам ўзига жалб қилган ва уларда катта қизиқиш уйғотган. Маълумотларга кўра Бобур ҳақида Европада илк бор яратилган асар, бу француз сайёҳи ва табиби Француа Бернъенинг “Бобурийлар салтанатининг сўнгги тарихи” номли илмий-маърифий асаридир. Бу асар 1680 йилда яратилган ва ўша давр сиёсий доираларида юқори баҳоланган ва ноёб манба ҳисобланган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Бобур шахсини нафақат бутун Европа, балки бутун дунёга машҳур бўлишини икки омил билан изоҳлаш мумкин. Биринчиси, Бобурнинг Ҳиндистонни забт этиши ва у ерда ўз хукмронлигини ўрнатиши бўлса, иккинчиси унинг ижодкор шахс бўлганлиги, яъни у яратган “Бобурнома” асари ва шеърларидир.

Хорижий бобуришуносликка назар ташлайдиган бўлсак, Фарбий Европада Бобур ва унинг ижодини ўрганиш асосан XIX асрдан бошланган. Бу борада француз ва инглиз



шарқшуносларининг хизматлари беқиёс бўлди. Инглиз шарқшунос олимлари Жон Лейден ва Уильям Эрскинларнинг узок йиллик меҳнатлари натижасида 1826 йили “Бобурнома” инглиз тилида нашр этилди. 1828 йилда мазкур инглизча таржимадан немис олими А.Кайзер асарни немис тилига қисқартириб таржима қилади ва Лейпцигда нашр эттиради. 1871 йилда эса таниқли француз шарқшунос олими Паве де Куртейл томонидан “Бобурнома” француз тилида нашр этирилади. Мазкур таржималардан сўнг Европада Бобур шахсига қизиқиш ортиб борди ва у ҳақда Европанинг турли тилларида кўплаб асарлар яратилди. Бу асарлар асосан Бобур ва Бобурийларнинг Ҳиндистонда ўрнатган салтанати ва у ерда амалга оширган ишларига бағишланади.

Немис адиблари томонидан Бобур ва бобурийлар тарихи ва адабиётини ўрганиш асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди ва хозиргача давом этмоқда. Бу борада Э.Кох, Ф.Вёртле, М.Правдин, К.Хабиб, Ш.Конерман, А.Шиммель, К.Шўних, М.Эрдал, В.Штаммлер каби шарқшунос олимлар самарали ишлар олиб бордилар. Улар Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ажойиб асарлар яратдилар, бу асарларнинг яратилишига ва мазмун-моҳиятига Бобурнома, Ҳумоюннома, Акбарнома, Тарихи Рашидий, Тарихи Шершоҳи каби асарларнинг таъсири катта бўлди.

Хорижий адабиётларда Бобур ва унинг авлодларига нисбатан мўғуллар деган ном билан аташ одат бўлиб қолган. Бу анъана ҳинд ва инглиз адабиётида яққол кўзга ташланади, бу ҳолат немис адабиётида ҳам кузатилади.

Тарихдан маълумки, Бобур она томонидан мўғулларга қариндош саналади. Бобурномада ёзилишича у тоғаларидан, яъни мўғул хонларидан оғир дамларида ёрдам ҳам олади, лекин шунга қарамасдан ўзининг мўғулларга нисбатан хайрихоҳ эмаслигини ва уларни ёқтирмаслигини бир неча бор таъкидлайди. Бу ҳақда Бобурномада шундай ёзилган, “Менинг онам қошида минг беш юз-икки мингга яқин мўғул улусидан бор эди. Ҳисордан Ҳамза Султон ва Маҳдий Султон, Муҳаммад Дуғлат билан яна шунча мўғул келган эди. Ҳамиша ёмонлик ва бузуқчилик мўғул улусидан содир бўлиб келгандир. Ҳозиргача беш марта мен билан ёвлашдилар. Менга муносабатсизликдан ёвлашганлари йўқ. Бундай ҳаракатларни улар ўз хонларига нисбатан ҳам такрор-такрор қилдилар”. [1]

Бобур ҳамиша ўзининг туркий бўлганлигидан фахрланган ва туркий тилда ижод қилган. “Йўқдан бунёд бўлган салтанат, ёхуд биринчи буюк мўғуллар” [2] асарининг муаллифи М.Правдин Бобурнинг мўғул эмаслигини ажойиб тарзда тасвирлаб берган. “У (Бобур) турк бўлганидан фахрланарди, лекин ўзи фатҳ этган ерларда уни ва лашкарларини мўғуллар деб аташарди. Бу Монгол сўзини афғон ва турк халқлари томонидан *мўғул* деб бузиб талаффуз қилиниши таъсиридир”. [3]

Бобур ва бобурийлар сулоласини нима учун *мўғуллар* деб аталиб келингани ҳақида илмда кўплаб фикрлар билдирилган ва бу атама нотўғри эканлиги ҳам таъкидланган. Хусусан, бу ҳақда америкалик олим С.Берк шундай дейди: “Бобуршоҳ хотирномасида ўзини ва ўз ҳамроҳларини ҳақли равишда *турклар* деб атайдди. Бироқ XIII-XIV асрлар давомида мўғулларнинг бир неча бор ҳужумларини бошдан кечирган ҳиндистонликлар шимолдан келадиган барча босқинчиларни “мўғуллар” деб атаганлар ва ўз навбатида, бу сўзнинг нафақат талаффузи, балки маъноси ҳам бузилиб Бобуршоҳ қўшинига нисбатан ҳам “мўғуллар” атамаси ишлатилган”. [4] Академик В.Бартольд фикрича, Европаликлар Темурни ва унинг ўғиллари ҳамда набираларини мўғулдан тарқалган деб ҳисоблаб, Бобур салтанати учун “Буюк мўғуллар” деган ном тўқидилар. [5] Бобурийлар мўғул эмаслар, балки бу тарихий англашимовчиликдир.



Бугунги кунга келиб кўплаб олим ва адибларимиз саъй-ҳаракатлари сабаб тарихий ҳақиқат тикланди. Бобур ва унинг авлодлари “Бобурийлар”, у асос солган давлат эса “Бобурийлар салтанати” деб аталмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида немис адиблари томонидан яратилган тарихий-адабий асарлар ичида Михаил Правдиннинг “Йўқдан бунёд бўлган салтанат” номли тарихий-адабий асари алоҳида эътирофга лойиқ.

Асар Мовароуннахр тарихи билан бошланиб, Бобурнинг Фарғона тахтига ўтиришидан умрининг охиригача босиб ўтган йўлини қамраб олади.

Правдиннинг мазкур асари фактик материалларга бойлиги, келтирилган манбаларнинг тарихий ҳақиқатга мос келиши ва айрим ўринларда Бобур ҳаётига тегишли бўлган янги маълумотлар қайд этилганлиги билан қимматлидир.

Асар бошдан-охирига қадар ҳикоя тарзида ёзилган бўлиб, унда Бобурнинг саргузаштлари; ёш шахзоданинг тахтга ўтириши, Самарқанд ва Андижон учун бўлган жанглар, ғалаба ва мағлубият, бекларнинг содиқлиги ва хоинлиги, дарбадарлик, янги-янги юришлар, муваффақиятлар ажойиб тарзда ифодаланган. Муаллиф ўз асарида Бобурнинг шахсиятига оид хусусиятларни, яъни унинг метин иродаси, давлатни бошқариши ва ўзи эгаллаган ўлкаларда олиб борган ободонлаштириш ишлари, жумладан яратган боғлари, барпо этган бинолари, қўшинда ўрнатган тартиб интизоми хусусида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Асарда келтирилган Бобур ижодидан намуналар орқали унинг бетакрор шоир, буюк қалб эгаси эканлиги яққол ўз ифодасини топган. Буни асар муаллифининг қуйидаги фикрларидан ҳам уқиб олиш мумкин; “Бобур ўзининг шоирлик қобилияти, туркий ҳамда форсийда шеърлар бита олиши билан фахрланарди. У донишмандларнинг ҳикматлари ва буюк шоирларнинг шеърятини мукамал билган. Унинг фикрича, одамийлик ва ахлоқий маданият ҳар қандай ҳолда ҳам инсон турмуш тарзининг бош мезони сифатида сақланиб қолиниши лозимлигини таъкидлаб, бу фазилатларнинг йўқолиши ўлимданда оғирроқ эканлигини эътироф этади”.

Мазкур асарда ҳеч бир тарихий манбаларда учрамайдиган мунозарали воқеалар ҳам тасвирланган. Шулардан бири Шоҳ Бобурнинг Ҳиндистон тахти ворисини белгилаш бўйича ўй-фикрларидир. Маълумки, Бобурнинг тўрт ўғли бўлиб, уларнинг каттаси валиаҳд шахзода Ҳумоюн, кичиклари Комрон, Аскарний ва Ҳиндол мирзолардир. Муаллиф Бобур ўзидан кейин Ҳиндистон тахтини Ҳумоюнга эмас балки Ҳиндолга қолдирмоқчи бўлган деган фикрни илгари суради ва бу борада қуйидаги фаразларни келтиради.

1. Бобурнинг нияти Қобулни салтанат маркази, пойтахтга айлантirmoқчи бўлган.
2. Унинг мақсади шимолий ҳудудларни яъни, Бадахшон ва Қандахорни катта ўғилларига, Ҳиндистонни кичик ўғиллари Аскарни ва Ҳиндолга бўлиб бериш бўлган.

Муаллиф Ҳиндолни Ҳиндистонга чорлаш ва уни кутишнинг сабаби, унинг исми билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкинлигини таъкидлайди, чунки “Ҳиндол” исми “Ҳиндни ол” деган маънони билдиради ва бундан ташқари ўша вақтда Ҳиндол, худди Бобур тахтга ўтирган пайтдагидек 12 ёшда эди.

Бизнинг фикримизча Бобурнинг нияти қандай бўлишидан қатъий назар умри поёнида тахт учун муносиб номзод Ҳумоюн эканлигига амин бўлган ва барча бекларни тўплаб Ҳумоюнни тахт вориси эканлигини эълон қилади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Woertle F. Babur der Tiger. S. Joergle & Co. – Wien: 1947. – 160 S.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома” – Тошкент: Ўқитувчи Ҳозирги ўзбек тилига табдил В.Раҳмон ва К.Муллаҳўжаеваларники. 2008.
3. Prawdin M. Das Reich aus dem Nichts. Die ersten Grossmoguln. – Stuttgart:1965. – 288 б.
4. Prawdin M. Das Reich aus dem Nichts. Die ersten Grossmoguln. – Stuttgart:1965. –220 S.
5. Иброҳимов А. Бобурнома – буюк асар. – Тошкент: 2000. – 77 б.

**СИНФ ДАН ТАШҚАРИ ТЎГАРАКЛАРДА МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИДАГИ ЎЗБЕК
ФОЛЬКЛОР МОТИВЛАРИНИ ЎРГАТИШ**

Сайдахмедова Нигора Сулаймоновна
НамДУ мустақил изланувчиси
Наманган, Ўзбекистон Республикаси

***Аннотация:** Ушбу мақолада Муҳаммад Юсуф шеърларида мақоллар ва ибораларнинг қўлланиши, лексик ёки грамматик жиҳатдан ўзгартирилиб шеърда ўйноқилик, таъсирчанлик каби хусусиятларни таъминлай олганлиги мисолларда кўрсатилган. Фразеологик ибораларни интерфаол усулдан фойдаланиб, ўқувчиларга осон ўргатиш йўллари очиб берилган.*

***Калит сўзлар:** ибора, мақол, сўз, сўз бирикма, шеър, тил, жамият.*

**ОБУЧЕНИЕ УЗБЕКСКОМУ НАЦИОНАЛЬНЫМ МОТИВАЦИЯМ МУҲАММАДА
ЮСУФА ВО ВНЕЗАПИСИ**

Сайдахмедова Нигора Сулаймоновна
НамГУ - независимый исследователь
Наманган, Республика Узбекистан

***Аннотация:** В этой статье демонстрируется использование пословиц и фраз в стихотворениях Мухаммада Юсуфа, которые можно модифицировать лексически или грамматически, чтобы придать стихотворению такие особенности, как игривость и выразительность. Фразеологические выражения объясняются способами, которые легко преподать студентам с помощью интерактивного метода.*

***Ключевые слова:** фраза, пословица, слово, фраза, стихотворение, язык, общество.*

LEARNING THE UZBEK LANGUAGE OF MUHAMMAD YUSUF ABROAD.

Saydakhmedova Nigora Sulaimonovna
NamDU is an independent researcher
Namangan, Republic of Uzbekistan

***Annotation:** This article demonstrates the use of proverbs and phrases in Muhammad Yusuf's poems, which can be modified lexically or grammatically to provide features such as playfulness and expressiveness in the poem. Phraseological expressions are explained in ways that are easy to teach to students using an interactive method.*

***Key words:** phrase, proverb, word, phrase, poem, language, society.*